

20. 9 (20)

Баз



N B U

**Банк - ишончли  
ҳамкор**

UZINCOMCENTER



201

65.9 (34)  
Б23

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
қошидаги Фан ва технологиялар маркази

«ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШ» РУКНИ

## БАНҚ — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР



«Академија» нашриёти  
«Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти»  
Тошкент 2005

Матн муаллифлари:

**О.Иминов, З.Аскарлов, О.Фозилов, Х.Мухиддинова,  
Г.Исмоилова, З.Бердиназаров, М.Алиев**

Ушбу рисолада Президент И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган “Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” номли маърузасида молия-банк тизимида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида илгари сурилган гоя, таклиф ҳамда тавсиялар атрофлича таҳлил этилган.

Кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган ушбу рисола туғрисидаги фикр-мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 45-уй. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси.

© «Akademiya» нашриёти  
«Ўзбекистон Файласуфлари  
миллий жамияти нашриёти»

## Кириш

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатиси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маъруҳисиди банк-молия тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масаласига алоҳида тўхталиб, бу борада қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш; инфляция даражасининг барқарорлиги, миллий валютамиз ва унинг алмашув курси мустаҳкамлигини сақлаш; банкларни капиталлаштириш ва уларнинг маблағларини инвестиция мақсадларига йўналтириш; молия маблағларини банк тизимига кенг жалб қилиш ва хусусий банкларнинг фаолиятини такомиллаштириш; аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш; банк тизимига оид низом ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш; ушбу соҳа ходимларининг масъулияти ва маданиятини ошириш каби масалаларга жиддий эътибор қаратган эди.

Зеро, тизимда амалга ошириладиган ишлар, аввало, давлатнинг иқтисодий қудрати ва халқнинг моддий фаровонлиги билан белгиланади. Қолаверса, банк-молия тизимида ислоҳотларнинг янада чуқурлаштирилиши миллий манфаатлар билан узвий боғлиқ масаладир. Чунки пул-кредит сиёсатининг жаҳон андозалари даражасида олиб борилиши миллий валютамиз — сўмнинг қадрини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, банк-молия муассасаларига аҳоли ишончининг ортиши, хорижий инвесторлар қизиқишининг кучайишига олиб келиб, мамлакатимизда замонавий банк хизматини ташкил этиш имкониятини яратади.

## Молия-банк тизимининг қонуний-меъёрий асосини такомиллаштириш

Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида молия-банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига тўхталиб, шу соҳага оид «**қўплаб низом ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш**»<sup>1</sup> лозимлигини таъкидлаган эди.

Бугунги кунда республика раҳбарияти мамлакатнинг мустақил банк соҳасини шакллантиришдек мураккаб вазифани муваффақият билан бажарганлигини қайд этишимиз мумкин. Ҳозирги пайтда республикамизда Марказий банк ва 30 дан ортиқ тижорат банкларини олувчи икки поғонали банк тизим амал қилмоқда.

Ўзбекистонда мустақил ва мустаҳкам банк тизимини шакллантириш жараёнини шартли равишда бир неча босқичларга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич, 1991 йилдан 1994 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Худди шу вақт давомида миллий валютани муомалага киритиш учун асос яратилди ҳамда икки поғонали банк тизимининг пойдевори барпо этилди. Мустақил банк тизимини яратиш бўйича олиб борилган дастлабки тадбирлар 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинишидан бошланди. Бу эса, ўз навбатида, республикада икки поғонали банк тизимининг принципиал қоидаларини шакллантириш, шунингдек, банк тизимида соғлом рақобат муносабатларини моделлаштиришнинг қонуний пойдеворини яратишга асос бўлди.

Иккинчи босқич, 1994-1996 йилларни ўз ичига олади. Айни шу даврда, миллий валюта муомалага киритилди ва икки поғонали банк тизимининг ҳуқуқий асослари яратилганди. Республиканинг мустақил банк ва молия тузилмасини вужудга келтиришда 1994 йилда миллий валютанинг

муомалага киритилиши сифат жиҳатидан янги босқичнинг бошланиши бўлди.

Иккинчи босқичнинг ўрталарига келиб, амалда тузиб бўлинган икки поғонали банк тизимининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида мамлакат парламенти томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши банклар фаолиятини халқаро андозалар даражасида такомиллаштириб, банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши билан банк тизими ривожланишида учинчи босқич бошланди ва низом жамғармасида жисмоний шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда тижорат банкларини очиш учун бир қатор имтиёзлар берилди.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам банк тизими, халқаро андозаларга мос келувчи замонавий банк назорати ва банклар фаолиятини тартибга солиш механизми вужудга келтирилди. Шу билан биргаликда, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун мустаҳкам банк назорати ҳамда банклар фаолиятини тартибга солиш тизимини яратиш, эркинлаштириш ва амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш зарурлиги кўзга ташланиб турибди.

Ушбу ислоҳотларнинг моҳияти банк тизимига бўлган ишончни мустаҳкамлашдан ва банкларнинг ҳақиқий молиявий воситачиларга айланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлмоғи даркор. Сўнгги йилларда банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда банк тизимининг ривожланишидаги тўртинчи босқич бошланди. Бу босқичнинг асосий вази-

фаси банклар фаолиятини янада эркинлаштириш асосида аҳолининг банк тизимига булган ишончини мустаҳкамлашдан иборат. Таъкидлаш жоизки, банкларнинг кредитлаш механизми ҳам мукамал эмас.

Президентимизнинг молия-банк соҳасидаги ислохотларга катта эътибор қаратишининг сабабларида бири — ушбу механизмда қурилган ҳар бир чора ўзига хос қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

### **Банк фаолиятини мустаҳкамлаш йўналишлари**

Хорижий давлатларда банклар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш жуда ҳам мураккаб, самарали, шу билан бирга, зиддиятли жараён эканини кўрсатмоқда. Банк тизимининг таркиб тспишига ва уни давлат томонидан тартибга солиш усул ва шаклларини ривожланишига кўп жиҳатдан тарихий, ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсир ўтказган. Хорижий давлатларнинг банк тизими бирданига эмас, балки узок йиллар давомида таркиб топган.

Ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган молия-банк соҳасини ислоҳ қилиш бўйича гадбирлар ичида газначилик институтини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи етакчи ўринда турибди. Чунки айнан газначилик институтини шакллантириш мамлакат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйишда катта аҳамият касб этади ва соҳа таркибий тузилмасини ҳамда фаолият юритиш механизмини жаҳон андозаларига яқинлаштиради.

Пул-кредит тизимида тўлов муносабатларини мураккаблашиб кетишига маълум даражада ўз вақтида иқтисодий зарурат туфайли тўхтатиб қўйилган вексель муомаласи, лимитланган чек дафтарчалари воситасида амалга ошириладиган тўловлар тизимининг йўқлиги ҳам таъсир



этмоқда. Вужудга келган натижа шу бўлдики, одамлар кўпроқ нақд пулга интилиб, хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланишига йўл очмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда вазият ўзгарди. Шунинг учун вексель муомаласи ёки лимитланган чек дафтарчалари ёрдамида тўловларни амалга оширишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда тўлов амалларини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш мақсадида банклар томонидан кредит-дебет карточкалари кенг реклама этилмоқда. Бироқ ушбу усул билан тўловларни амалга оширишни ташкил этиш жуда кўп қийинчиликларни келтириб чиқаради. Чунки бунинг учун, аввало, чек ва бошқа қимматли қоғоз кўринишидаги тўлов воситалари ривожланган бўлиши керак. Акс ҳолда, ҳаттоки, карточкаларнинг ҳам қалбакилари пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас, яъни кредит-дебет электрон карточкаларини кенг оммалашиб кетиши компьютер хакерларига кенг имкониятлар очиб бериши мумкин. Нохуш вазиятларнинг олдини олмоқ учун, Президентимиз таъкидлаганларидек, аввало, меъёрий-ҳуқуқий базани талаб даражасида шакллантириб олиш ва шундан сўнггина у ёки бу тўлов механизмини кенг жорий этиш лозим.

Хорижий мамлакатларда жисмоний ва ҳуқуқий шахслар пул маблағларини, одатда, қимматли қоғозларга (АҚШ тажрибаси) ёки банк депозитларига жойлаштиришади (Япония тажрибаси). Фикримизча, кишилар ўз пулларини қандайдир «қимматли қоғозга алиштириш»дан кўра, уни ишончли банк муассасалари депозитларига жойлашни афзал билишади. Демокчимизки, бизда Япония тажрибасидан фойдаланиш ўринлироқ. Ҳозирда банк тизимига нисбатан ишонч ва ундан келадиган даромадлилик етарлича шакллланмаганлиги сабабли одамларнинг ҳар хил кўринишдаги активлари умумиқтисодиётдан четда, «ўлик» ҳолда турибди ёки хуфиёна иқтисодиётга хизмат қиляпти. Ушбу ҳолат ҳам Президент Ис-

лом Каримов таъкидлаган молия-банк соҳасида жаҳон андозаларига мос келадиган қонуний-меъёрий базани мустаҳкамлаш нақадар зарур эканлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда замонавий бозор иқтисодиётини ривожлантириш молия-банк соҳасида эркин рақобат муҳитини яратишни тақозо этади. «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонунга биноан, кредит уюшмаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларга лицензия бериш Марказий банк зиммасига юкланган. Бу ҳолат, бизнинг фикримизча, банкларнинг кредит бозоридаги имкониятларини монополлаштиради. Шунинг учун, банк бўлмаган (квазибанк) тузилмаларнинг фаолияти Марказий банк томонидан эмас, балки Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтиш асосида, тўғридан-тўғри қонунчилик органлари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Президентимизнинг Олий Мажлис минбаридан туриб молия-банк тизимини келгусида жаҳон андозаларига мос равишда ривожлантириш учун, аввало, меъёрий-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш лозимлиги ҳақидаги фикрлари соҳанинг барча раҳбар мутахассислари учун яқин келажакдаги фаолият дастури вазифасини утайди.

### **Банк маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш чора-тадбирлари**

Бутунги ислоҳотлар даврида банкларнинг бош вазифаси у ёки бу соҳада жамғарилган эркин пул маблағларини аккумуляция қилиш ва уларни умумиқтисодиёт учун самара келтирадиган соҳаларга йўналтиришдир.

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида банкларнинг вазифаларига алоҳида тўхталиб, “уларнинг низом ва айланма фондларини купайтириш ва маблағларини инвестиция мақсадларига, биринчи навбатда, реал

иқтисодиётга йўналтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўриш<sup>2</sup> лозимлигини таъкидлади.

Маълумки, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти унинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми билан белгиланади. Ўз навбатида, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишини таъминлашда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси асосий ўрин тутди. Бинобарин, иқтисодиётнинг реал сектори қанчалик кучли бўлса, аҳолининг турмуш даражаси ҳам шунчалик юқори ва барқарор бўлади.

Ривожланиш ва кенгайиш босқичида ҳар бир корхона учун молиялаштириш маблағлари сув билан ҳаводек зарур. Реал секторни молиялаштириш манбалари ўртасида банкларнинг, хусусан, банк кредитининг аҳамияти беқиёс, десак муболаға бўлмайди.

Банк молиявий механизмнинг таркибий қисми сифатидаги моҳияти у бажарадиган амалларда ўз аксини топади. Чунончи, кредит хусусиятига эга бўлмаган амаллар, яъни пул муомаласини ташкил қилиш, иқтисодиётда ўзаро ҳисобкитобларни бажариш, капитал қўйилмаларни молиялаштириш, давлат бюджетининг касса ижроси ва бошқалар. Кўриниб турибдики, бу вазифаларни бажариш давомида банк фақат пул кўринишидаги амалларнигина бажаради.

Иккинчи гуруҳ амалларини эса, бевосита иқтисодиётни кредитлаш ва кредит маблағларини таркиб топтириш ташкил этади. Бу банкнинг ўзи фоиз тўлайдиган - пассив амаллари (кредит маблағларининг таркиб топиши) ҳамда унга даромад келтирадиган актив амаллари (кредитлаш) йиғиндисиدير.

Реал иқтисодиётта банк активларини йўналтириш (кредитлаш) чора-тадбирлари иқтисодий сиёсатни устувор йўналишларидан, давлат инвестиция сиёсатидан ҳамда пул-кредит сиёсатининг тамойилларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим. Аввало, бу чора-тадбирлар банк кредитларини инвестицион ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга, иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналти-

вестицияларга трансформация қилинишини таъминлаш учун хизмат кўрсатувчи молиявий воситачилик тизими самарасини ошириш, эвазига иқтисодиётнинг реал секторига кредитлар ҳажмини кўпайтириш ва самарали жалб этиш тизими орқали банклар томонидан ўрта узоқ муддатли маблағларни аккумуляция қилинишини, уларни инвестицион ресурслар сифатида иқтисодиётнинг реал соҳасига қайта тақсимланишини таъминлаш зарур. Шу вақтнинг ўзига, банклар капитализация даражаларини оширишлари ва қарз ресурсларини жалб этиш инструментлари таркиби ва тузилмасини кенгайтиришлари даркор.

Сўнги йилларда Халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик кучайиб бормоқда. Айниқса, ЕТТБ, АТБ ва бошқа ҳамкор банклар билан бир неча кредит йўллари очилган бўлиб, уларни ўзлаштириш бўйича маълум фаолият амалга оширилмоқда. Лекин афсуски, маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлишига қарамасдан, ушбу кредит йўналишларини ўзлаштириш жуда ҳам суст кечмоқда. Шунингдек, мамлакатимизнинг ҳамма банклари халқаро кредитларни қайта молиялаштириш фаолияти билан шуғулланишига имкониятлар яратилмаган. Банкларга чет эллик ҳамкорлар билан ишлашда эркинлик бериш, кредит йўналишларини ўзлаштириш жараёнини тезлаштириш ва маблағларни уларга эҳтиёж сезаётган ишлаб чиқариш секторларига жалб этиш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этиш лозим.

Иқтисодиётнинг реал секторига банк кредитларини трансформациялашни бир томонлама (хаотик) тарзда амалга оширилишига йўл қўймаслик керак. Биринчи навбатда, кредиторларнинг (тижорат банкларининг) ҳақ-ҳуқуқларини сақлаб қолишга, уларга қўшимча имкониятлар яратиш, солиқ базасини такомиллаштириб, солиқ имтиёзларини беришга эътиборни қаратиш керак.

Банкларнинг ҳимояланганлик даражасини оширишга,

иқтисодиётнинг реал секторида фаолият кўрсатаётган но-молиявий ташкилот ва корхоналарнинг молиявий ҳолати ва мулкчилик тузилмаси туғрисидаги маълумотларини максимал даражада транспарентлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиш мақсадга му-вофиқдир. Бундай чора-тадбирлар қўйилмаларнинг сама-радорлигини ҳамда ушбу қўйилмаларни ташкилот ва кор-хоналарнинг ўз маблағлари билан ўрин босишини оқилона амалга оширишга ёрдам беради. Яна бир ҳолатни четлаб ўтмаслик керак, бу ҳам бўлса, банкларнинг ресурс база-сига тегишли. Маълумки, банклар ҳар бир берилган кре-дит учун йўқотишларга қарши захиралар тузишлари ке-рак, ушбу захираларни ташкил этиш корхоналарга мо-лиявий ёрдам кўрсатишни, банклар учун ўз ресурс база-сига нисбатан манфаатсиз ва ноқулай шароитларни келти-риб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиш даркор. Иқти-содиётнинг реал секторини ривожлантириш мақсадида бе-рилган кредитларга нисбатан захираларни ташкил қилиш тартибига баъзи имтиёзларни қўллаш билвосита бўлса-да, ўз ижобий таъсирини ўтказиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Истиқболли кредит турларини (лизинг, факторинг) ри-вожлантириш ва такомиллаштириш - бу иқтисодиёт реал секторини молиялаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлардир. Бугунги кунда эса, банклар асосий маблағ-ларни кредитлар кўринишида бериб, кредитлаш лизинг ва факторинг амаллари каби турларини деярли қўлламаётта-нининг гувоҳи бўламиз.

Лизинг тадбирларини комплекс ҳолда кенг кўламда молиялаштириш иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларидан бирига айланмоғи керак. Лизинг корхонанинг фақатгина молиялаштириш муаммосига эмас, балки асбоб-ускуналарни сотиб олиш муаммосининг ечимини берадиган воситадир, яъни лизинг ўз табиатига кўра, кредит ўрнини босувчидир. Бироқ бу-гунги кунда мамлакатимизда лизинг муносабатлари етар-

лича шаклланмаган. Шуни назарда тутиш керакки, лизинг операциялари фақатгина банк фаолиятини кенгайтириш инструменти бўлиб қолмасдан, молиявий ва моддий ресурсларни тадбиркорлик тузилмалари томонидан рационал ишлатилишига ҳам олиб келади. Мазкур соҳадаги тайёр жаҳон тажрибаларини қанчалик тезкорлик билан татбиқ этсак ва самарали фойдалансак, шунчалик тез тараққий этган бозор иқтисодиётига эришишимиз мумкин. Демак, лизинг муносабатларига банкларни ундовчи омил ва асосларни яратиш — бутунги куннинг долзарб муаммоларидан бири, десак ўринлидир.

Лизинг компанияларни молиялаштиришда кредит ресурсларидан фойдаланишни соддалаштириш лозим. Лизинг компаниялари ва банклар ўртасида ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилиши ишлаб чиқаришга зарур бўлган воситаларни етказиб беришни тезлаштиради, ишлаб чиқариш циклининг узлуксизлигини таъминлайди, янги ишлаб чиқаришларни яратилишига асосий сабаб бўла олади. Шу боис, лизинг муносабатларининг комплекслашганлигини таъминлаш бутунги куннинг талаби бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, банк кредитлари орқали лизинг муносабатларининг алоҳида босқичларини эмас, балки бутун бир мажмуини қўллаб-қувватлашга эришиш лозим.

Мамлакат банклари томонидан замонавий факторинг операцияларини, яъни ишлаб чиқарувчининг айланма маблағларини сотиб олувчига талаб қилиш ҳуқуқини учинчи шахсга (одатда, банкка) ўтказиш орқали молиялаштиришни қўллашга имкониятлар очиб бериш ва такомиллаштириш керак. Ушбу хизмат кўрсатиш тури ўз истиқболига эга бўлиши аниқ, чунки ишлаб чиқарувчи компаниялар маҳсулотни пул маблағларига тезкорлик билан айланишига доимо эҳтиёж сезади. Одатдаги кредитлашга нисбатан факторингни устунлиги шундаки, бунда банк бир корxonанинг (сотувчининг) дебиторлик қарздорлигини, бошқа томондан эса - иккинчи корxonанинг (олувчининг) креди-

торлик қарзларини (фақатгина комиссия ёки дисконт эвазига бир марталик дебиторлик-кредиторлик қарздорликни сотиб олиш билан чекланмасдан, ҳаттоки доимий равишда - узоқ муддатли шартнома асосида) бошқаришга чақирилади. Факторинг ишлаб чиқарувчи корхоналар айланма маблағларининг айланиш даврларини қисқаришига, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни тўхтовсиз амалга оширишга имкон берувчи, ишлаб чиқариш даражаларини оширувчи омил бўла олади. Мамлакатимиз банклари томонидан факторинг операциялари амалга оширилаётган бўлса-да, уларнинг ҳажми одатий кредитлар ҳажмига нисбатан анчагина паст даражада. Бундан ташқари, қўлланилаётган факторинг шартномалари узоқ муддатга мўлжалланмаган, тузилаётган шартномалар бир марталик кучга эга. Факторинг операцияларининг аҳамиятидан келиб чиқиб, уларнинг ҳажмини ошириш даркор, бу ўз навбатида, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни камайтиришга имкон беради, ишлаб чиқаришни ўсишига туртки бўлади. Албатта, факторинг операцияларининг қонуний-меъёрий асосларини бутунги кун талабига мос равишда такомиллаштириш ҳам бутунги куннинг долзарб муаммоларидандир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг маърузаларида кўтарилган муаммо — банклар томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ва инвестициялаш жараёни нафақат реал секторга пул маблағларини салмоқли равишда йўллашни, балки мавжуд кредитлаш механизмини ва меъёрий — ҳуқуқий базани ҳам замонавий талаблар асосида такомиллаштиришни талаб этади.

## Пул оқимларини банк тизимига жалб этиш — иқтисодий ривожининг муҳим омили сифатида

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ўзининг мазмун моҳияти бўйича барча соҳа ва йўналишларни қамраб олган. Бироқ таъкидлаш жоизки, айрим ҳолларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга бир ёқлама баҳо бериш, ҳатто, унинг натижаларини бузиб кўрсатиш, нотўғри талқин этиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Ҳаётимиздаги турли иқтисодий қийинчиликларни бевосита ижтимоий-сиёсий ҳолат ва ислохотлар жараёни билан боғлаш, фикримизча, ўринсиздир.

Президентимиз Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида таъкидлаб ўтганларидек, «...банк айланмасидан ҳали-бери четда қолаётган салмоқли молия маблағлари ва пул йиғимларини ушбу тизимга жалб қилиш учун аниқ ва қатъий чоралар кўриш.»<sup>3</sup> долзарб аҳамият касб этмоқда. Япиришнинг ҳожати йўқ, мамлакатимизда амалга оширилаётган пул-кредит сиёсатида сўнгги вақтларда кўрилган қатъий чоралар турли соҳа кишилари ўртасида қизгин мунозараларга сабаб бўлмоқда. Негаки, муомаладаги нақд пул миқдорининг соф бозор усуллари билан қисқартирилиши, ҳукуматнинг миллий валютани мустаҳкамлаш борасидаги чоралари истеъмол товарлари бозори ҳолатига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бусиз бўлмайди ҳам, чунки жаҳон давлатлари тажрибасидан маълумки, ҳар қандай қатъий чораларни айрим, вақтинчалик характердаги қийинчиликлар ва ноқулайликларсиз амалга ошириб бўлмайди. Зеро ислохотлар билан боғлиқ муҳим ўзгаришлар изсиз ўтмайди, улар эски тартибни бузиб, янгисини жорий қилишга қаратилган.

Шу ўринда, муомаладаги нақд пул миқдорининг қай даражада реал ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқлиги масаласига тўхталиб ўтиш мумкин. Мамлакатда 2000 йил



натижалари бўйича умумий инфляция даражаси 28,2 фоизни, 2001 йилда 26,6 фоизни, 2002 йилда 21,6 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич даражасини 2003 йилда кўрилган қатъий пул-кредит чора-тадбирлари эвазига 3,8 фоизга туширишга эришилди. Яна бир мисол, 2000-2001 йиллар давомида нақд пул миқдори муомалада, тахминан 50-59 фоизга ортгани ҳолда, ялпи ички маҳсулот бор-йўғи 4 фоизга ортган. 2001-2002 йилларда бу кўрсаткичлар, ўз навбатида, 48-50 ва 4,2 фоизни ташкил этган. Кўриниб турибдики, бу йиллар давомида пул массаси ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулотга нисбатан бир неча баробар тез ортиб борган.

Бу салбий ҳолат ҳукуматнинг пул-кредит соҳасида олиб борган қатъий сиёсати натижасида 2003 йилга келиб барҳам топди. Яъни, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 4,4 фоизни, инфляция миқдори эса бор-йўғи 3,8 фоизни ташкил этди. Инфляциянинг кескин пасайиши банк кредит ставкаларининг пасайишига, иқтисодиётнинг реал тармоқларига ажратилаётган кредит ҳажмининг жиддий ошишига олиб келди. Президентимизнинг юқоридаги маърузасида таъкидланганидек, 2004 йилда инфляция даражаси энг паст кўрсаткични — 3,7 фоизни ташкил этгани ҳолда, ЯИМ 7,7 фоизга, аҳолининг реал даромадлари 15 фоизга ўсди.

Юқоридаги рақамларни келтиришдан мақсад - муомаладаги нақд пул миқдори мамлакатда етиштирилаётган моддий неъматлар ва хизматлар миқдори билан мос келмаслиги «куруқ қоғоз» пулларнинг асоссиз равишда кўпайишига олиб келишини кўрсатишдир. Шунингдек, моддий асос билан таъминланмаган пул массаси яна бир салбий ҳолат - хуфиёна иқтисодиёт ривожига кенг йўл очади. Қолаверса, бундай ҳолат пул массасининг банкдан ташқари айланишини кучайтиради, бу эса солиқлар тушумини камайтиради ва мамлакат бюджети имкониятларини қисқартиради. Демак, мамлакат иқтисодий қудрати илғизларига болта уради. Сир эмаски, хуфиёна иқтисодиёт риво-

жи, жинойтчилик ва диний экстремизм ривожланишига имконият яратиб бериши мумкин.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки даврларида қатъий пул-кредит сиёсатини олиб боришга савдо-коммуникация алоқаларининг узилиб қолганлиги ҳамда ички ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг етарли таркиб топмаганлиги имкон бермасди. Бундан ташқари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич даврларида пул-кредит сиёсатида ҳозирда амалга оширилаётган қатъий чораларни қўллаш мамлакат барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин эди. Бошқача айтганда, биз ҳам барча тараққий этган давлатлар каби маълум даражадаги «ёввойи» бозор иқтисодиёти босқичини бошимиздан кечиришимиз зарур эди. Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек, эндиликда, бунга ҳожат қолмади. Яъни, биз ҳам барча мамлакатларда бўлгани каби, соф бозор ва эркин рақобат усулларига ўтишимизга вақт етди. Чунки мамлакатимизда мустақиллик йилларида таркиб топган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ҳамда қарор топган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тараққий этган бозор иқтисодиётининг янги босқичига ўтишга етарли шароит яратмоқда.

Шу ўринда мамлакатимиз истеъмол бозорини четдан келтирилаётган сифатсиз ёки ноқонуний товарлардан ҳимоялаш бўйича куриллаётган чора-тадбирларга ҳам муносабат билдириш лозим. Таъкидлаш лозимки, бу борадаги чоралар ҳам мамлакат иқтисодий тараққиётидаги муҳим босқич бўлиб, улар иқтисодий баркамоллигимиз белгиси, деб қаралмоғи керак. Чунки фақат иқтисодиёти етарли даражада шакланган давлатгина бундай чораларни қўллай олади.

Шу ўринда, ҳукуматимиз томонидан сунгги пайтларда иқтисодиёт борасида куриллаётган қатъий чора-тадбирларининг дастлабки натижаларига эътибор қаратишни лозим, деб ҳисоблайман. Фақатгина 2004 йил давомида аҳолининг реал даромадлари 15 фоизга, ойлик ўртача иш ҳақи эса 24,5 фоизга ошган. Шунингдек, аҳолининг умумий харажатлари

салмоғида озиқ-овқат маҳсулотларига сарфланаётган харажатлари ноозиқ-овқат маҳсулотларига сарфланаётган харажатларига нисбатан камайган. Бу рақамлар мамлакат иқтисодиётидаги жиддий сифат ўзгаришларидан дарак беради. Айтиш жоизки, бу кўрсаткичлар жаҳоннинг йирик иқтисодий ташкилотлари томонидан тула эътироф этилган.

Тажрибадан биламизки, иқтисодий тизими ривожланган, кредит тизими тараққий этган давлатларда аҳоли пулини банкда сақлашга ҳаракат қилади. Чунки банкнинг тулайдиган фоиз даражаси мижоз манфаатларига мос келади. Макроиқтисодий нуқтаи назардан қаралса, нақд пул миқдори умумий пул массасининг жуда оз қисмини, одатда, 2-4 фоизини ташкил этади. Демак, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, таъкидлашимиз мумкинки, муомаладаги нақд пул қанчалик кўп бўлса, у шунчалик молия тизимининг ривожланишига ҳалақит беради, молиявий муассасалар ишини мураккаблаштиради, хуфиёна иқтисодиётга йўл очиб, макроиқтисодий барқарорликни издан чиқаришга туртки беради. Бу борада вазиятни ўнглашга ҳаракат қилинмоқда.

Кейинги пайтларда банкларнинг аҳоли маблағларини юқори даромадли депозитларга жалб этиш бўйича амалга ошираётган фаолияти сезиларли даражада кучайди. Ҳозир республикадаги кўпгина банклар мижозларнинг талабларини инобатга олган ҳолда бир қатор янги, юқори даромадли омонатларни ва жамғарма депозитларини таклиф қилмоқдалар. Шунингдек, корхона ва ташкилотларга бир пайтнинг ўзида бир неча банкларда ҳисоб рақами очишга рухсат берилиши ҳам кредитлар ва депозитлар бўйича хизмат кўрсатиш бозорида рақобатни кучайтиришга имкон бериши муқаррардир. Кўрилган чора-тадбирлар ўз натижаларини кўрсата бошлади. Аҳоли ва хусусий тадбиркорларнинг буш пул маблағларини банк капиталига ва жозибадор депозитларга жалб этиш орқали тижорат банкларининг ресурс базаси мустаҳкамланмоқда.

Банк муассасалари томонидан берилаётган кредитларнинг асосий қисми омонатлар ва жамғармалар ҳисобига амалга оширилишига эришиш лозим. Бунинг учун, барча кредит муассасалари ўзаро ҳамкорликда аҳолининг буш маблағларини депозитга жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган мукамал стратегия ва кенг қўламдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиши зарур.

Бундан ташқари, банк муассасалари томонидан омонатлар ва жамғармалар(депозитлар)га тўланадиган фоиз миқдорини қайта кўриб чиқиш ва уни маъмурий равишда эмас, балки бозор муносабатларидан келиб чиқиб, талаб ва таклиф қонуниятлари асосида, умумиқтисодда кетаётган инфляция даражасини қатъий ҳисобга олган ҳолда ўрнатилишини таъминлаш лозим.

Муомалада юрган пул массаси одатда, реал иқтисодийнинг ҳолати билан узвий равишда боғлиқ бўлади.

Пул оқимларини банкларга жалб этиш бевосита ёки билвосита монетар сиёсат ричагларини қўллашни талаб этади. Одатда бевосита (маъмурий) усуллар бозор муносабатлари такомиллашиб бориши билан билвосита (соф иқтисодий) усулларга ўз ўрнини бўшатиб беради. Умуман, билвосита усулларга ўтиш жараёни ривожланган мамлакатларда осон кечган. Биринчидан, уларда молия бозори етарли даражада ривожланган бўлиб, Марказий банк билвосита усуллардан янада кенгроқ фойдалана бошлади. Иккинчидан, макроиқтисодий ҳолат, асосан, мувозанатлашган эди. Учинчидан, фоиз ставкалари тез-тез чекланиб турганлигига қарамаздан, одатда улар бозор мувозанатини таъминловчи даражага яқин эди ва жиддий номутаносибликларни келтириб чиқармади. Ривожланаётган давлатларда эса маълум институционал ҳамда иқтисодий шарт-шароитлар йўқлиги туфайли турли муаммоларни ҳал этишга тўғри келганди.

Монетар сиёсатнинг билвосита усулларини тўлиқ қўллашга ўтиш, ўз навбатида, мамлакатда жиддий иқтисодий ва тузулмавий ислоҳотларни амалга оширишни талаб қилади.

Монетар сиёсатнинг билвосита усулларига ўтиш жараёни турли давлатларда турлича бўлиши мумкин. Аслида, монетар сиёсатнинг билвосита усулларини тулиқ жорий қилиш ўтиш иқтисодиётининг тугалланганлигини англатади.

Умуман хорижий давлатлар монетар сиёсатнинг билвосита усулларига ўтишда молия тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, қатъий монетар ва фискал сиёсатни юритиш, молия бозорларини ривожлантириш, кенг қамровли хусусийлаштиришга йўналтирилган қатор ислоҳотларни ўтказган.

Айтишимиз лозимки, молия бозорларини ва банк тизимини етарли даражада ривожлантирмасдан, барча асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни, хусусан, ЯИМнинг умумий миқдорини, экспорт салмоғини, пул массасини, халқаро захиралар ҳажминини, аҳоли жон бошига туғри келадиган ЯИМ миқдорини талаб даражасига етказмай туриб, монетар сиёсат воситаларидан фойдаланиш амалиётини жаҳон андозалари талаблари даражасида ривожлантириш мумкин эмас. Монетар сиёсатнинг билвосита усулларига ўтиш ва улардан фойдаланишда хорижий давлатларда катта тажриба тупланганлиги маълум.

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг таҳлили макроиқтисодий ҳолатни баҳолашда қандай кўрсаткичларга таяниш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда бугунги кунда шакллантирилган иқтисодий вазият муайян монетар механизмларни қўллаш орқали, пул маблағларини банк тизимига жалб этиш имкониятларини беради.

Президентимиз ўз маърузаларида таъкидлаганларидек, хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганган ҳолда, пул маблағларини банкларга жалб этиш бўйича аниқ усулларни қўллаш лозим. Буни мамлакатимизда кейинги йилларда эришилган иқтисодий кўрсаткичлар асослаб турибди.

## Миллий валюта ва унинг алмашув курсини мустаҳкамлаш муаммолари

Миллий валюта ва у билан боғлиқ бўлган муносабатлар жараёни иқтисодий ислохотларнинг самарали амалга оширилишида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, валюта алмашув курсини мустаҳкамлаш ва жаҳон хўжалик алоқаларида барқарор ўрин эгаллашини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур масала юзасидан Президентимиз Ислом Каримов деярли барча чиқишларида алоҳида тўхталиб, уни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга мос равишда узлуксиз такомиллаштириб боришини таъкидлайдилар.

Олдимизга қўйилган ушбу умуммиллий вазифанинг бугунги кунга келиб қай даражада амалга оширилаётганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш керак, албатта. Тан оlishимиз лозимки, миллий валютани мустаҳкамлаш борасида ўтган тарихий қисқа вақт ичида келажак учун аҳамиятли бўлган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Тўғри, дастлабки вақтларда ушбу чора-тадбирларга кўпчилик шубҳа кўзи билан қараган бўлса, ҳозирги кунга келиб танланган йўлнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилмоқда.

Чунки «...биринчи марта инфляция даражаси энг паст — 3,7 фоиз бўлишига эришдик. Бу аҳолининг реал даромадлари ўсишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди -2004 йилда бу кўрсаткич 15 фоизга ўсди»<sup>4</sup>.

Албатта, миллий валюта ва у билан боғлиқ бўлган муносабатлар жараёнида ҳам муаммолар йўқ эмас. «Гап молия ва банк тузилмаларининг қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, инфляция даражасининг барқарорлигини, миллий валютаамиз ва унинг алмашув курси мустаҳкамлигини сақлашдаги масъулиятини ошириш ҳақида бормоқда»<sup>5</sup>. Лекин пухта ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилган чора-тадбирлар ушбу муаммоларни қисқа вақтлар ичида кескин камайтиришга ва уларнинг

таъсирини минимал даражада бўлишини таъминлашга катта ҳисса қўшди. Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар қуйидагилар:

— валюта бозорини эркинлаштириш ва биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш;

— валюта айирбошлаш курсларининг бир хил асосга келтирилишини таъминлаш;

— валюта тушумларидан мажбурий сотувни такомиллаштириш;

— валюта айирбошлаш миқдорларига белгиланган вақтинчалик ўрнатилган чекловларни босқичма-босқич қисқартириб бoқиш;

— валютани айирбошлаш жараёнида ундирилдиган божи йиғимларидан бағамом озод қилиш;

— валютада кредитлаш жараёнларини соддалаштириш ва такомиллаштириш;

— халқаро ҳисоб-китоблар жараёнида валюта таваккалчиликларидан ҳимоя қилиш;

— валюта операцияларини мақбуллаштиришнинг монетар воситаларидан фойдаланиш асосий мезон сифатида белгилаб олинган эди.

Миллий валюта миз манфаатларини ҳимоя қилиш бора-сида юқоридаги мезонларга асосан амалга оширилган чора-тадбирларнинг асосий натижалари қуйидагилар билан изоҳланади:

— биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари туғрисида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарори корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан норезидент жисмоний шахсларга эркин айирбошладиган валютага хизмат кўрсатиш тизимини сезиларли даражада такомиллаштиришга олиб келди;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-

тадбирлари туғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши корхоналар учун валюта ресурсларидан янада самарали фойдаланиш имкониятларини очди. Мазкур қарорга мувофиқ, 2000 йил 1 июлдан бошлаб хорижий валюталарни биржадан ташқари валюта бозорида сотишнинг янги механизми жорий қилинди. Ушбу механизм ваколатли банкларнинг ўз миждасидан бўш валюта маблағларини шартнома асосида хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда эркин курс бўйича харид қилишни; Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензияларига эга бўлган корхоналарга импорт истеъмол товарларини сотишдан олинган сўмдаги тушумни хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф асосида шаклландирган эркин курс бўйича конвертация қилишни назарда тутди;

— миллий валютанинг ички конвертациясини босқичма-босқич таъминлаш борасида, 2000 йил 1 июлдан бошлаб ваколатли тижорат банкларига биржадан ташқари валюта бозоридаги савдоларда хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олиш курсларини мустақил тарзда белгилаш ҳуқуқи берилди. Натижада Республика валюта биржасидаги сўм маблағларининг хорижий валютага конвертациялашнинг сезиларли қисми биржадан ташқари валюта бозорида амалга ошириладиган бўлди. Шу билан бир қаторда, Марказий банкнинг лицензиясига эга бўлган импортёрларга валюталарни сотиш, экспортёрлардан бўш валюта маблағларини сотиб олиш ҳамда айирбошлаш шохобчалари орқали нақд хорижий валюталар билан операцияларни амалга ошириш талаб ва таклиф асосида шаклландирган эркин курс бўйича амалга оширилиши белгиланди;

— валюта айирбошлаш операцияларини кенгайтириш юзасидан қилинган чора-тадбирлар натижасида, Марказий банкнинг бош лицензиясига эга бўлган ваколатли банклар ўзларининг валюта айирбошлаш шохобчалари орқали хорижий валюталарни эркин сотиш ва сотиб олиш имкониятларига эга бўлдилар;



— экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар фаолиятини рағбатлантириш борасида амалга оширилган чоратадбирлар натижасида эса, 2000 йил 1 июлдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча хўжалик субъектлари ўз маҳсулотларини (ишлар, хизматлар) эркин айирбошланадиган валютага экспорт қилсалар, ушбу экспортдан тушадиган даромадлари даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинди ва даромадларнинг алоҳида ҳисобини юритиш тартиби жорий қилинди;

— 2000 йил 1 июлдан бошлаб экспорт қилувчи корхоналар учун уларнинг умумий маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) ҳажмида экспорт маҳсулотларининг улуши қанча миқдорни ташкил этишига қараб, мол-мулк солиғи тўлаш тартиби жорий қилинди. Хусусан, умумий маҳсулотлар реализациясида экспортнинг улуши 25 фоиздан 50 фоизгача бўлса, мол-мулк солиғи 50 фоизгача пасайтирилиши, умумий маҳсулотлар реализацияси ҳажмида 50 ва ундан юқори фоизни ташкил қилган экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар умуман мол-мулк солиғи тўлашдан озод этилишлари белгиланади;

— ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги қарори Республикада ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб кирилаётган товар маҳсулотларининг жаҳон стандартлари талабларига мослаштирилишига катта ҳисса қўшди. Хусусан, ушбу қарорга мувофиқ 2001 йил 1 мартдан бошлаб ҳудудимизда ишлаб чиқарилаётган (бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматлар) товарларнинг турига қараб, кодлаштиришга асосланган ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТН ТИА) тизими жорий этилди;

— божхона режимини эркинлаштириш бўйича олиб борилган изчил чора-тадбирлар натижасида 2001 йил 1 июлдан бошлаб жисмоний шахслардан (шу жумладан, норезидентлар) улар олиб келган нақд хорижий валюта-

нинг 10 000 АҚШ долларидан ортиқ бўлган қисмига ўрнатилган 1 фозизли бож тўловининг бекор қилинишига эришилди;

— валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича қурилган чора-тадбирлар натижасида, 2001 йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортдан тушган валюта тушумларидан 50 фозизини Марказий банкка мажбурий сотиш тартибидан озод қилишди. Шунингдек, биржадан ташқари валюта бозорининг эркин курси бўйича хорижий валюталарни харид қилувчи корхоналарга ҳам 2001 йил 1 июлдан бошлаб эркин айирбошладиган валютани харид қилиш вақтида ўрнатилган 5 фозизли йиғим тўлаш тартиби барҳам топди;

— истеъмол моллари импорти учун йўналтирилган валюта ресурсларидан самарали фойдаланиш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида қабул қилинган қарор, 2001 йилнинг 1 августидан бошлаб Марказий банкнинг тегишли рухсатномасига ва халқ истеъмол моллари импортини эркин айирбошладиган валюталарга эркин айирбошлаш ҳуқуқига эга бўлган корхона ва ташкилотларга сўмдаги маблағларни ваколатли банк белгиллаган чораклик лимит доирасида биржадан ташқари валюта бозорида эркин конвертация қилиш имкониятини янада кенгайтди;

— ички валюта бозорида алмашув курсларини бир хил асосга келтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, биржадан ташқари валюта бозори савдоларини янада ривожлантириш, унда қатнашувчилар сонини кенгайтириш, банклараро савдо сессиялари ҳажмини ўстириш, валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, ташқи савдо операциялари бўйича божхона тўловлари ва ҳисобларини ҳисоблаб чиқиш тартибини соддалаштириш (мақбуллаштириш) имкониятларини юзга келтирди;

— ташқи қарздорликка хизмат кўрсатиш механизми-ни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларга мувофиқ, 2001-2002 йиллада июлгача бўлган даврдаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолат бериши туфайли жалб этилган чет эл валютасидаги кредитларга хизмат кўрсатиш ва корхоналарнинг марказлашган ресурсларни экспорт қилишдан олган чет эл валютасидаги тушумларини мажбурий сотуви биржадан ташқари валюта бозорининг талаб ва таклифидан келиб чиқадиган эркин курсига ўтказилди;

— хужалик субъектларининг халқаро ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида товарларни (ишларни, хизматларни) эркин айирбошладиган валюталарга экспорт қилишда олдиндан тўловни амалга оширмасдан ёки аккредитив очмасдан, фақатгина сотиб олувчи банкнинг кафолати ёки экспорт шартномаси учун тузилган суғурта полисини тақдим этиш орқали амалга ошириш механизми жорий этилди;

— хужалик субъектларининг импорт алоқаларидан олаётган манфаатдорликларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 июлдаги 247-сонли қарорига асосан, 2002 йил 16 июлдан бошлаб импорт қилинган истеъмол товарлари ва хизматларини (шу жумладан, транспорт ва алоқа бўйича) реализация қилишдан тушган сўмдаги тушумларни талаб ва таклифдан келиб чиқувчи эркин курс бўйича конвертация қилиниши таъминланди;

— валюта айирбошлаш муносабатларида айрим устувор имтиёзларга эга бўлган импорт истеъмол қилувчи корхона, ташкилотларга нисбатан қўлланилиб келинган лицензиялаш тартибининг ҳамда ваколатли банкларга ижтимоий аҳамиятта эга бўлган халқ истеъмол товарлари ва дори-дармонларни импорт қилувчи корхоналар, ташкилотлар учун биржадан ташқари валюта бозорида хорижий

валютани сотиб олишга ўрнатилган чораклик лимит чекловлари батамом тугатилди.

Миллий валюта ва унинг алмашув курсининг мустаҳкамланиб бориши учун 2003 йил 15 октябрда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ХВФ Битимлар Келишувининг VIII моддасини расман имзолаб, мавжуд валюта муносабатлари тизимини халқаро стандартлар даражасида таркиб топишига ва фаолият кўрсатишига замин яратди. Мазкур келишув битими миллий валюта миқдорининг халқаро жорий тўлов операциялари бўйича эркин айирбошланишини таъминлади.

Амалга оширилган кенг қамровли чора-тадбирлар тизими миллий валюта ва унинг айирбошлаш курсининг мустаҳкамланиши борасида муаммолар қолмади деган хулосани бермайди, албатта. Бизнинг назаримизда, ушбу масала ўз негизида, энг аввало, барқарор нарх воситасини таъминлаши ҳамда шу орқали ички ва ташқи иқтисодий алоқаларда энг мақбул балансни қарор топтириш масаласини акс эттириши лозим. Чунки, валюта курси, фикримизча, энг аввало, мамлакатдаги ички нархлар барқарорлиги даражасига боғлиқдир. Нархлар барқарорлигини таъминлаш эса мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг ва ишлаб чиқариш муносабатларининг мувозанатига боғлиқ. Мувозанатга эришиш учун эса ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш даражасини ошириш, замонавий техника ва технологиялар ҳамда малакали ишчи кучлари билан қайта модернизация қилишни талаб этади.

Шу билан бир қаторда, миллий валюта алмашув курсининг мустаҳкамланишида мамлакатга жалб қилинаётган инвестицияларнинг салмоғи ва самараси, экспорт ва импорт алоқаларининг такомиллашуви, капиталлар ва кредитлар ҳаракати, фан-техника ютуқлари, туризм каби омилларнинг ривожланиш босқичлари ҳам катта роль ўйнайди. Мазкур омиллар пул бирлигига нисбатан халқаро дара-

жадаги талаб ва таклифни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий валюта алмашув курсини мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал этишда қуйидаги муҳим масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

**Биринчидан,** ўзаро халқаро ҳисоб-китоблар жараёнида банкларимизнинг бир томонлама вакиллик ҳисоб-рақамларига эга бўлганлиги валюта операциялари ҳажмининг оширилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бизнинг банклар хорижий банкларда «ностро»<sup>6</sup> вакиллик ҳисоб варағига эга, лекин халқаро банкларнинг «востро»<sup>7</sup> вакиллик ҳисоб варақлари мавжуд эмас. Бунинг натижасида импорт буйича туловларнинг амалга оширилиши, хизматлар ҳақининг туланиши, хорижий банкларга ва корхоналарга фоизлар ҳамда дивидендлар туланиши бевосита «Ностро» вакиллик ҳисоб варағини дебитлаш асосида амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, «Ностро» вакиллик ҳисоб варағи ишчи қолдигининг кескин тебранишига олиб келмоқда.

**Иккинчидан,** хорижий валюта захираларининг диверсификацияланиш даражаси ҳам ҳамон пастлигича қолмоқда. Валюта захираларининг сезиларли қисми АҚШ долларларида шаклланганлиги бир томонлама қисқа ёки узун валюта позицияларининг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги мавжуд вазият қисқа валюта позицияларининг юзага келиши билан характерланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, АҚШ доллари курсининг ўзгаришига боғлиқ равишда банклар балансининг зарарларини юзага келтириб чиқармоқда.

**Учинчидан,** иқтисодиётта жалб қилинаётган халқаро кредитларнинг 85 фоизидан ортигини бевосита Республика ҳукуматининг кафолати остида жалб қилинган кредитлар ташкил этишини инобатга олсак:

а) хусусий секторга мансуб корхоналарнинг халқаро кредит муносабатларидаги ўрнининг жуда заифлигидан;

б) улар томонидан ўзлаштирилган мавжуд кредитлардан самарали фойдаланилмаётганлигидан;

в) ушбу муносабатларда ҳали ҳамон бозор элементларининг ҳукмрон эмаслигидан далолат бермоқда.

**Тўртинчидан**, Республикадаги импорт тўловларининг 80 фоизидан ортиғи ҳужжатлаштирилган аккредитив ва ҳужжатлаштирилган инкассода амалга оширилаётганлигини инобатга олсак, халқаро ҳисоб-китоблар жараёнида ноқулайликлар мавжудлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойишига кўра, товарлар ҳақиқатда келиб тушганидан сўнг, тўловларни амалга ошириш қатъий белгиланган. Халқаро банк амалиётида эса аккредитив ва инкассо бўйича импорт тўловлари товарлар билан боғлиқ ҳужжатларнинг келиб тушишига қараб тўланади. Шу боис, хорижий экспортёрлар ва миллий импортёрлар ўртасида тўлов операциялари билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда.

**Бешинчидан**, хорижий кредитларни жалб қилиш мамлакат иқтисодиёти учун бир томондан ижобий натижалар берса, иккинчи томондан, уларни ўз вақтида қайтариш борасида салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шу маънода, кредитлар бўйича ташқи қарздорлик масалалари юзага чиқади.

Республиканинг охириги йиллардаги ташқи қарздорлик бўйича тўловларининг қайтарилишига қисқача тўхталаган бўлсак, уларнинг коэффициенти ўтган йилларга нисбатан ўсиб борганлигини кузатиш мумкин. Ташқи қарзлар ЯИМдаги ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар ўсиш шундай давом этадиган бўлса, аста-секин тўловлар бўйича муаммолар юзага келиши мумкин. Ташқи қарзлар бўйича тўловларни экспорт билан қопланганлик даражасининг охириги йиллардаги кўрсаткичларини ҳам қувонарли деб бўлмади

Шу маънода, ташқи қарзлар масалаларига ҳам жид-

дий ёндашиш талаб этилади. Бунинг учун эса, фикримизча, дастлаб, ташқи қарзларни қайтариш жараёнининг ҳуқуқий-меъёрий асосларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, ташқи қарздорликка оид ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим. Ташқи қарздорлик масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш миллий валюта ва унинг алмашув курсини янада самарали бошқаришга сезиларли таъсирини кўрсатади.

### **Аҳолининг банкларга бўлган ишончини тиклаш муаммолари**

Мамлакатимиз ҳукумати иқтисодиётни босқичма-босқич ислоҳ қилиш қонидасига риоя қилган ҳолда, банк-молия секторида ислоҳотларни амалга оширишнинг самарадорлигига катта эътибор бермоқда. Чунки мамлакатни иқтисодий ривожлантириш суръатлари айнан банк тизимининг барқарорлигига боғлиқ. Шунинг учун аввалам бор, корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолининг банкларга бўлган ишончини узлуксиз ошириб бориш зарур. Банк тизими иқтисодиётнинг қон томири бўлиб, у ижтимоий муносабатлар учун ўта аҳамиятли пул капиталини қайта тақсимлашни таъминлайди.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотлар ҳам асосан ўз кучимизга таяниб амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда, хорижий тажрибалар ҳам эътиборга олинмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Юксак ривожланган мамлакатлардаги тижорат ва хусусий банкларнинг миждозларга хизмат кўрсатиш борасидаги тажрибаларини синчиклаб, янада кенг ўрганиш, хўжалик субъектлари ва аҳолининг банкларга нисбатан ишончини оширишга эришиш керак”<sup>8</sup>.

Хорижий банклар фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, улар учун асосий масала ўз миждозларининг, яъни

корхона, ташкилотлар ва аҳолининг ишончини йўқотмаслик. Бундан чиқди, бирор бир банк катта миқдорда зарар кўрадиган бўлса ҳам ўз имиджини ўйлайди ва мижозга алоқадор барча маълумотларни сир сақлайди ҳамда унинг ишончини йўқотмасликка ҳаракат қилади. Чунки банк битта алоҳида мижознинг ишончини йўқотса, бошқалари ҳам унга ишонмай қуйишади, оқибатда банкнинг нуфузи тушиб кетади. Демак, мазкур банк учун келгусида равнақ топиш ҳақида ўйлашнинг ҳожати қолмайди.

Банкларга бўлган ишонч муаммоси нақд ва нақд бўлмаган пуллар билан бўладиган амалларга ҳам тегишли. Қонунчилигимизга бинсан, нақд пулсиз ва нақд пулли туловларнинг киймати бир хил даражада белгиланган. Лекин ҳеч кимга сир эмас, харидор ўзи учун маълум бир истеъмол товарини сотиб олиш учун юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ёки муассасага мурожаат қилса, албатта, товарни нақд пулга арзонроқ нархда харид қилади. Бу ҳол айрим гуруҳлар мавжуд вазиятдан манфаатдор эканлигидан далолат беради.

Маълумки, Марказий банкнинг 60-сонли йўриқнома-сига асосан, юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотлар ўртасида барча туловлар фақат нақд пул бўлмаган ўтказмалар воситасида амалга оширилиши кўзда тутилган. Шунинг учун аслида мамлакатдаги ички тулов айланмаси миқдори ишчи ва кизматчиларга тўланаётган маош ва унга тенглаштирилган туловлар ҳамда турли ижтимоий туловлар (пенсия, нафақа, стипендия ва бошқалар) миқдоридан ортиқ бўлмаслиги лозим. Ҳозирда, мамлакатдаги нақд ва нақд бўлмаган тулов айланмасини тартибга солиш долзарб муаммога айланган. Фикримизча, бу борада тегишли ҳуқуқий-меъёрий база яратилиши керак.

Ушбу жараёнларда банклар фаол катнашиши лозим. Чунки, ортиқча пул эмиссияси ва инфляция даражаси охир-оқибат мамлакат банк тизимига бўлган ишончга путур етказади.

Шунинг учун мамлакатимиз банк тизимини доимий



такомиллаштириб бориш мақсадида қўйидаги масалалар билан муттасил шуғулланиш зарур:

## 1. Маъмурий бошқарув усуллари- такомиллаштириш соҳасида

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалик субъектларининг фаолиятига давлат аралашуви камайиб, Марказий банк томонидан тижорат банкларининг мўстақил фаолият юритишига кенг йўл очиб берилади. Бу деган сўз, тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришни бозор инструментларидан фойдаланган ҳолда олиб бориш зарур. Жўмладан, нақд пул массасини бошқаришда тижорат банклари корхона ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақа ва бошқа тўловлар бўйича нақд пулларни чиқаришда Марказий банк рўхсатисиз бажара олмаслик чораларидан воз кечиш лозим.

Шунингдек, якка тартибдаги хусусий тадбиркорлар банкка топширган нақд пуллари миқдорида банкдан қийнчиликсиз олишларига имконият яратиш керак. Бунинг натижасида банкдан ташқарида айланадиган нақд пул массаси кескин камаяди.

Аҳолини банкка бўлган ишончини янада ошириш учун, ҳозирги кунда банкларда юқори фойзли турли-хил омонат жамғармалар мавжуд бўлиб, аҳоли ушбу омонатларга қўйган пулларини ҳамда унга ҳисобланган фойзларини ўз вақтида олишларига ишонч ҳосил қилишлари керак. Айниқса, пластик карточкаси жорий этила бошлаган айни пайтда миждозлар банкоматлардан нақд пул олиш имкониятига эга бўлиши лозим. Бунинг учун банкоматлар керакли миқдордаги нақд пуллар билан таъминланиши зарур.

Бўндан ташқари, тижорат банклари миждозлар фаолияти устидан назорат функциясини бажариб келмоқдалар. Ҳозирги шароитда банклар миждозлар билан шериклик асосида фаолият юритишлари лозим. Чўнки иқтисодиётнинг қайси бир соҳасида фаолият самарадорлиги пасай-

иши сезилса, бу ўз навбатида банкларга ҳам зиён келтиради. Ҳозирги кунда банклар мижозларнинг пул оқимлари устидан назорат олиб борадилар ва камчиликлар аниқланган ҳолда тегишли мутасадди органларга чора кўриш учун нома (хабар) юборадилар. Ҳолбуки, банклар назоратга аралашмай, уларга хос бўлган хизмат кўрсатувчи ташкилот вазифасини бажариши лозим.

## **2. Меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш**

Банк тизимини ривожлантириш учун бутунги кунда барча имкониятлар мавжуд. Зеро бунинг учун зарур қонуний ва меъёрий асос яратилди. Лекин айрим меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш лозим. Чунки улар банк фаолиятини қийинлаштириб қўймоқда. Мисол учун, банклар республика Марказий банкининг 2004 йил 26 июлда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган 1390-сонли йўриқномасига асосан мижозлар томонидан бир қатор акциз ости маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш устидан назорат ўрнатиш мақсадида ҳар бир маҳсулот турига қараб алоҳида субҳисоб рақам очади. Барча пул тушумлари ҳамда пул чиқаришлар фақат ушбу субҳисоб рақам орқали амалга оширилади, яъни битта мижозга кўплаб субҳисоб рақамлар очилади. Бу эса, ўз навбатида банк ва мижоз муносабатларини қийинлаштиради.

## **3. Банк ликвидлигини таъминлаш**

Банклар ликвидлиги, яъни мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш катта аҳамиятга эга. Банк менежерлари банк ликвидлигини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш учун ташқи эҳтимолий вазиятларнинг ривожланиш тенденциясини олдиндан кўра олишлари, ликвидлик ре-

зервлари ҳамда уларнинг айрим таркибий қисмларини юзага келтиришнинг муайян қатъий мезонларини ишлаб чиқишлари керак. Ликвидликни бошқаришга оид мавжуд назариялари ва реал банк амалиётини таҳлил қилиш асосида банкнинг тўловга қобилиятлилигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи муқобил ёндошувларни белгилаб олса бўлади. Банк менежерлари тўлов учун мўлжалланган маблағларнинг зарурий ҳажмини ҳаминша захирада сақлашга ёки тизим пайтда уларни молия бозорларидан олиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Бундан келиб чиқадики, бозор иқтисодиёти шароитида банклар молия бозорининг фаол иштирокчисига айланиши лозим. Фақат шу тақдирдагина мамлакатимиз фонд бозорининг жадал ривожланишига ўз ҳиссаларини қўша оладилар. Молия бозорида иштирок этишлари орқали банклар қисқа ва узок муддатли молиявий воситалар орқали бўлиб молиявий ресурсларни жалб қилиш ва уларни иқтисодиётимизни маблағга муҳтож бўлган турли хил соҳаларига йўналтириш имкониятига эга бўладилар.

#### **4. Замонавий пул-кредит механизмларини жорий этиш**

Мамлакатимиз халқ хўжалигида тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини жадаллаштириш, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш борасида тижорат банклари факторинг амалларини кенг қўллашлари керак. Шунинг баробарида, нафақат, мамлакат ичида, балки халқаро доирадаги факторинг амалларини бажаришни такомиллаштириш керак. Натижада валюта ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотни экспорт қилувчи корхоналарни қўлаб-қувватлаш ва қарзларни ундириш борасида истиқболли ишларни амалга ошириш мумкин.

Лизинг амалларини кенг жорий этиш орқали иқтисодиётимизнинг реал секторига энг замонавий технологиялар-

ни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратмоқ керак. Мисол учун, маълум бир банк қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги ишчи ўринларини ташкил этиш мақсадида пахта ҳам ашёсини қайта ишловчи корхона барпо этиши ва ушбу корхонани лизингга бериши мумкин.

Банклар йирик объектларни молиялаштиришда синдикатлашган кредитларни, яъни бир банкнинг маблағи етарли бўлмаган тақдирда бошқа банклар билан биргаликда умумий кредит маблағлари ажратиш амалиётини кенг қўлласалар бўлади.

Банклар ушбу усулда йирик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, экспорт қиладиган компанияларни тузишда иштирок эта олади.

**«Интернет банкинг» тизимини жорий этиш.** Банкларда замонавий информацион технологиялар ва халқаро андозаларга мос келадиган бухгалтерия ҳисобининг янги тизими жорий этилди. Тулов операциялари маълум дақиқаларда амалга ошадиган бўлди. Бу эса корхона ва ташкилотлардаги иқтисодий жараёнларни жадалаштиришга, пул айланишини тезлатишга ва корхоналар олдидаги вазифаларни оператив равишда ҳал этишларига жуда катта имкониятлар яратди. Лекин ушбу эришилган марраларда тўхтамай бир қатор ривожланган мамлакатлардаги тижорат ва хусусий банкларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш борасидаги тажрибаларини синчиклаб, янада кенгроқ ўрганиш лозим. Маълумки, 2004 йилнинг 29 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «Электрон коммерция тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг асосий мақсади электрон коммерция соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди. Унга асосан, юридик ва жисмоний шахслар информацион технологиялар ёрдамида тижоратчилик операцияларини бажаришлари мумкин. Банклар ҳам ушбу қонунга асосан янги хизмат турларини жорий этиши кўзда тутилди. Мисол учун, ҳозирги кунда ривожланган мамла-

катларда миқозлар банкдаги ҳисоб рақамларини интернет орқали бошқарилади. «Интернет-банкнинг» хизмати тури жуда кенг қўлланилади. Ушбу хизмат тури ўз ичига тўлиқ банк хизматларини олади. Аҳоли уйдан туриб интернет-банкнинг тизими орқали валюталарни айрибошлаши, коммунал хизмат учун тўловларни амалга ошириши, ўз ҳисоб рақамидан маблағларни телефон, бошқа хизмат ва товарларга ўтказиши мумкин. Бундан ташқари, турли муддатлар давомида ўзининг банк операцияларини назорат қилиб бориш имкониятига эга. Интернет-банкнинг тизимидан фойдаланиш бир қатор афзалликларни беради:

— миқозларнинг банкка боришлари шарт эмаслиги туфайли вақтлари тежалади;

— миқоз ўз ҳисоб-рақамларини доимий равишда назорат қилиб боради, бозордаги шарт-шароитларнинг ўзгаришига қараб маблағларини оператив бошқариш имкониятига эга бўлади;

— турли-хил тўловларни, жумладан, коммунал хизмат учун тўловларни амалга ошириши мумкин. Натижада бу соҳадаги қарзлар кескин камайиши ва ўз навбатида соҳанинг ривожланишига олиб келади. «Интернет банкнинг» пластик карточка орқали операцияларни бажарганда ҳам қўл келади. Яъни миқоз ўзининг карточка ҳисоб-рақамидан маблағлар кўчирилишини узлуксиз оператив назорат қилиб боради.

## **5. Тўлов тизимига пластик карточкаларни жорий этиш**

Айни пайтда республика банклари нақд пулсиз ҳақ тўлашни ривожлантира бориб, янгидан-янги хизмат турларини таклиф қилмоқдалар. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисобкитоблар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори энг аввало, пластик карточка-

лар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада ривожлантириш ва пул маблағларини банкдан ташқарида айла-нишини қисқартиришга қаратилган.

Пластик карточкалар негизида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг самарали ишлаши аҳоли томонидан ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга оширишнинг афзаллигини тўлиқ англаб олишларига боғлиқ. Амалга оширилаётган ишнинг асосий мақсади нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш йўли билан товарлар ва хизматларни харид қилиш чоғида аҳолига мумкин қадар қулайликлар яратиб беришдан иборат. Бунинг учун банклар пластик карточкалардан фойдаланишнинг афзалликларини оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига тушунтиришлари лозим. Бу йўналишда банкларни пластик-карточкаларни муомаллага киритишдан келадиган даромад солиғини тўлашдак 3-5 йилгача озод этиш, туплаган маблағларни пластик карточка бизнесини ривожлантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ бўларди.

## **6. Валюта муносабатларини такомиллаштириш**

Республикамызда валюта тизимини эркинлаштириш борасидаги ҳаракатлар иқтисодиётни ривожлантириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтиришга ҳамда аҳоли турмуш даражасининг юксалишига олиб келмоқда. Мамлакатимизда валюта тизимини ривожлантириш борасидаги жаҳон тажрибасини таҳлил этиб, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида бир қатор чораларни амалга ошириш лозим. Мисол учун, чет эл валюталарида берилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини уларнинг бозор ставкаларига нисбатан сезиларли даражада юқори эканлигини инобатга олиб, уларни пасайтириш чораларини кўриш керак. Шунинг-

дек, хорижий кредит линияларини ўзлаштиришда банклар ўртасида рақобат муҳитининг юзага келмаганлиги ТИФ Миллий банкига ва “Асака” банкка хорижий валютадаги кредитларнинг фоиз ставкасини юқори даражада белгилаш имконини берапти. Натижада кредитларнинг фоиз ставкаси кўпчилик ҳолларда 12-13 фоизни ташкил қилмоқда.

Бундан ташқари, миллий валютаамизнинг конвертацияланишини кучайтириш чораларини кўриш керак. Сўзни, биринчи нарбатда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (МДХ) аъзо мамлакатларнинг ички бозорларида чекланмаган миқдорда айирбошланишга эришиш лозим. Бу масалани МДХга аъзо бўлган мамлакатнинг Марказий банки билан Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ўртасида валюталарни ўзаро айирбошлаш туғрисидаги шартномани тузиш йўли билан ҳал қилиш мумкин.

Биржадан ташқари валюта бозорининг, айниқса, банклараро валюта бозорини янада ривожланиши учун тегишли шарт-шароитлар яратишга катта эътибор бериш ҳамда нақд валюта муомаласини, яъни валюта айирбошлаш шохобчалари томонидан амалга ошириладиган операцияларни соддалаштириш, кўламини кенгайтириш зарур. Бунинг учун валютани сотиш ва сотиб олиш операцияларига дэир барча чекловларни, сотувчи ҳамда сотиб олувчиларни махсус рўйхатга олиш тартибини бекор қилиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта захираларини кенгайтириш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини янада ривожлантириш ва уларни хорижий валютада тушумлар олишини мутғасил кенгайтиришга манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида ушбу валюта тушумларидан товар турларига музофиқ амалга ошириладиган мажбурий сотув меъёрларини пасайтириш зарур.

## 7. Банкларни давлат тасарруфидан чиқариш

Банк соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бора-сида амалга оширилаётган асосий вазифалардан бири — банкларни давлат тасарруфидан чиқаришдир. 2003 йил-да бешта банкда, яъни Тадбиркорбанк, Авиабанк, Трастбанк, Савдогарбанк ва Ипак йўли банкларидаги дав-лат улушлари сотилди. Жорий йилда ТИФ Миллий бан-ки ва Асака банкларини давлат тасарруфидан чиқариш кўзда тутилган.

Бу борадаги асосий масала банклардаги давлат улуши-ни оптимал ва самарали сотишдан иборат. Акцияларни иложи борича чет эл инвесторларига сотиш мақсадга му-вофиқ булар эди. Чет эл инвесторларини жалб қилиш на-фақат давлат бюджетига валюта тушумини, балки, банк-лар капиталини ошириш имкониятини ҳам яратади. Агар-да чет эл банклари давлат улушларини сотиб олиб, банк акциядорларига айланса, улар мазкур банкларни ривож-лантиришга интилади. Бу эса банк учун чет эл бозорининг эшигини очиб беради.

## 8. Мамлакатни иқтисодий ривожлантириш банкни ташкил этиш

Аксарият ривожланган давлатларда мамлакат иқтисо-диётининг экспорт-импорт потенциалини ошириш, мам-лакат ташқарисидан товар ва хизматларни сотиб олиш билан шуғулланадиган ҳамда экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга молиявий ёрдам берадиган Эк-симбанк тизими мавжуд. Ушбу банклар давлат тасарру-фида бўлиб мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятига кўмаклашадилар. Ўзбекистонда бу турдаги амалиёт билан асосан ТИФ Миллий банки шуғулланади. Лекин мазкур банк давлат тасарруфидан чиқариладиган бўлса, ушбу йўналишда ҳукумат даражасида жадал иш олиб боради-



ган “Эксимбанк”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ булар эди. Ушбу банк халқаро молия ташкилотлари бўлиши — Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осие тикланиш банки, Халқаро валюта фондлари билан ҳамкорликда ишлаб, нафақат ҳукумат кафолати остида қарзларни тартибга солади, балки туғридан-туғри хорижий инвесторни жалб қилади ва республика экспорт потенциалини ривожлантиришга йўналтирилган ишлар олиб боради.

Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда банк тизимига нисбатан кенг жамоатчиликнинг ишончини мустаҳкамламай туриб, ушбу тизимни жаҳон андозалари даражасига кўтариш мумкин эмас. Бу борада барча тижорат банклари Марказий банк раҳбарлигида қатор чора-тадбирларни амалга ошириши лозим

## Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т., Ўзбекистон, 2005, 86-бет.

2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т., Ўзбекистон, 2005, 86-бет.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т., Ўзбекистон, 2005, 85-б.

4. Ислом Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.

5. Ислом Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.

6. «Ностро» вакиллик ҳисоб-варағи банкларнинг чет эл банкларида очган ҳисоб-варақлари ифодалайди.

7. «Востро» вакиллик ҳисоб-варағи чет эл банкларининг биздаги банкларда очган ҳисоб-варақларини назарда тутди

8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т., Ўзбекистон, 2005, 86-б.

# МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Молия-банк тизимининг қонуний-меъёрий асосини такомиллаштириш.....	4
Банк фаолиятини мустаҳкамлаш йўналишлари.....	6
Банк маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш чора-тадбирлари .....	8
Пул оқимларини банк тизимига жалб этиш — иқтисодиёт ривожининг муҳим омили сифатида .....	16
Миллий валюта ва унинг алмашув курсини мустаҳкамлаш муаммолари.....	22
Аҳолининг банкларга бўлган ишончини тиклаш муаммолари.....	31

## **БАНК — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР**

Akademiya  
Тошкент 2005

Муҳаррир Б. Рустамов  
Мусаҳҳиҳ М.Абдуллаева  
Рассом Р.Султонов  
Техник муҳаррирлар Н.Қурбонова  
Нашр учун масъул Б.Умаров

Теришга берилди 4.08.05. Босишга руҳсат этилди 8.08.05.  
Бичими 84x108<sup>1</sup>/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 2,8.  
Нашриёт ҳисоб табоғи 2,8. Адади 500. Баҳоси шартнома  
асосида.

«Ma'rifat-Print» МЧЖ, Тошкент ш., Сўғал ота кўчаси. 7а.





3 330000 469284

863/3